

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 210 (1271), 2024 йил 17 октябрь, пайшанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz



Йўлларни илмга асосланиб, замонавий ёндашувлар асосида қуришга эътибор қаратилади

Президент Шавкат Мирзиёев 16 октябрь куни йўл хўжалиги соҳасида қилинган ишлар ҳамда келгусидаги устувор вазифаларга оид тақдимот билан танишди.

Автомобиль йўллари — иқтисодийнинг “қон томири”. Шу боис, мамлакатимизда бу соҳага алоҳида эътибор қаратилиб, иш кўлами ва сифати ошириб борилмоқда. Хусусан, илгари 2009-2016 йилларда 9 триллион сўм эвазига минг километрдан кўпроқ йўл қурилган ва 20 минг километри таъмирланган бўлса, сўнгги саккиз йилда бу кўрсаткичлар 6 баробаргача ўсган. Яъни соҳага 58 триллион сўм ажратилиб, 2 минг километр йўл барпо этилган, 100 минг километри таъмирланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 октябрдаги қарорига мувофиқ, йўл хўжалиги тизими янада такомиллаштирилди. Хусусан, лойиҳалаш, қуриш, эксплуатация учун масъуллар аниқ белгилаб қўйилди, буюртмачи ва пудратчи функциялари бир-бирдан ажратилди.

Йўлларни илмга асосланиб, замонавий ёндашувлар асосида қуришга эътибор кучайди. Масалан, лойиҳа ҳужжатларининг намунавий андазаларидан воз кечилиб, ҳар бир ҳудуднинг геологик ва экологик хусусиятидан келиб чиқиш усулига ўтилди. 1 минг 700 та махсус техника харид қилиниб, йўл хўжалиги корхоналарининг таъминот даражаси оширилди. Янги турдаги асфальт-бетон, цемент-бетон қопламалар жорий этилди.

Нагжада сифат ҳам ўзгаришти. Янги қурилган йўлларнинг эксплуатация мuddати 15-20 йил бўлади. Уларнинг ҳолати 42 турдаги кўрсаткич бўйича текшириб борилади. Жаҳон банкнинг грант маблағлари ҳисобидан олиб келинган техникалар

йўлнинг физик хоссаларини баҳолаш ҳамда ер остидан ўтган коммуникация тармоқлари ҳолати қопламани бузмаган ҳолда текшириш имконини беради.

Кўчалардаги ободлик “Яшил макон” дастурининг, умуман, маданиятимизнинг бир қисми. Ҳар мавсум уларнинг икки четиди кўчалар экилмоқда. Шунингдек, дарактларни парваришlash учун йўллар бўйидаги ер майдонларини ижарага бериш жорий этилди.

Тақдимотда соҳадаги лойиҳалар ва режалар ҳақида ахборот берилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таҳлилга кўра, сифатли йўллар Ўзбекистон иқтисодиётининг камида 2 фоиз ўсишига туртки беради. Бугунги кунда халқаро молия ташкилотлари билан 729 километр йўлни реконструкция қилиш бўйича 6 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Жумладан, яқин кунларда “Кўнгирот — Бейнау” йўналишидаги 240 километр йўл фойдаланишга топширилади. Шунингдек, Гулистон — Андижон, Душанбе — Термиз, Бухоро — Туркманбоши, Урганч — Ҳазорасп йўлларининг муайян қисмлари қайта қурилади.

Соҳага хусусий сектор вакиллари ҳам кенг жалб қилинмоқда. Худудлардаги жами 260 километр йўлларнинг эксплуатацияси аутсорсинг асосида тадбиркорларга берилди. Осиё тараққиёт банки лойиҳаси доирасида 841 километр йўл қурилишида илк бор тўлиқ маҳаллий пудратчилар қатнашишига келишилди.

Давлатимиз раҳбари соҳадаги муҳим вазифаларни кўрсатиб ўтди.

— Ўзбекистоннинг географик жойлашувини эътиборга олсак, ташқи савдода халқаро йўлларнинг аҳамияти жуда катта. Шу боис, Андижон билан Кўнгиротни, Термиз билан Тошкентни боғлайдиган жами 4 минг километрлик халқаро йўлларимиз энг юқори талабларга жавоб бериши шарт, — деди Шавкат Мирзиёев.

Тошкент — Самарқанд ва Тошкент — Андижон ориентидаги пулли йўл лойиҳаларини жадаллаштириш, уларни қатнов даражаси юқори бўлган участкаларда қуриш зарурлиги қайд этилди. Бундай ҳолларда муқобил бепул йўл мавжуд бўлиши алоҳида қонун билан белгиланади.

Бугунги кунда 4 минг 700 та кўприк таъмир-талаб ҳолатда. Уч йиллик дастур ишлаб чиқиб, уларни босқичма-босқич таъмирлаш вазифаси қўйилди.

Худудларда йўл бўйи инфратузилмаси ривожлантирилиб, савдо ва хизматлар ташкил қилинмоқда. Тақдимотда айтилганидек, бунга кўшимча қарийб 4 минг километрлик халқаро автомагистралларда 70 та сервис мажмуаси барпо этилади.

Йўл ва сув тармоқлари каби инфратузилмавий лойиҳаларда халқаро молия институтлари билан яқиндан ишлаш, хорижий консултантларни жалб этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

ЎЗА

МЕНИНГ ТАНЛОВИМ — ОБОД ВАТАНИМ!

27 ОКТАБРЬ — ОЛИЙ МАЖЛИС
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ
ВА МАҲАЛЛИЙ
КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
САЙЛОВИ КУНИ

SAYLOV
2024
27-OKTABR
MENING TANLOVIM — OBOD VATANIMI

Мазкур мақола Ўзбекистон Экологик партиясига сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида ЭЪЛОН ҚИЛИНМОҚДА.

3-бетга қаранг.

Муносабат

ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ НАМУНАСИ ЯРАТИЛМОҚДА

Энергетика иқтисодиётининг етакчи соҳаларидан. Жамият ривожини, меҳнат унумдорлигини, аҳоли фаровонлигини ҳамда ҳаёт сифати кўп жиҳатдан мазкур соҳанинг бугунги ва истиқболга боғлиқ. Ўзбекистоннинг бой энергетика имконияти ҳамда самарали давлат бошқаруви сув-энергетика ресурслари ва углеводород хомашёсидан оқилона фойдаланиш, электр энергиясига талабни тўлиқ таъминлаш имконини бермоқда.



Мамлакатимизда 2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепцияси қабул қилинган. Унинг асосий мақсади электр энергиясига ошиб бораётган талабни рақобатбардosh нархларда қоплаш, электр станцияларини модернизация ва реконструкция қилиш, юқори самарали энергия ишлаб чиқариш технологияларига асосланган янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишдан иборат. Шунингдек,

концепцияда электр энергиясини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш, қайта тикланган энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш билан ёқилги-энергетика ресурсларини диверсификация қилиш орқали мамлакат электр энергетика тармоғини жадал ривожлантириш каби устувор вазифалар ҳам белгиланган.


Давоми 2-бетда

Ўзбекистон ташаббуслари амалда

ISLOM - TINCHLIK VA EZGULIK DINI
xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya
2024-YIL 15-OKTABR, TOSHKENT

ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ ТИНЧЛИК ВА ЭЗГУЛИК ТАРҒИБОТЧИСИ

Янги Ўзбекистон маърифат маёғини баланс тутиб, дунё халқларини эзгулик, тинчлик ва биродарликка чорламоқда! Албатта, бу бежиз эмас. Буюк ўзбек йўли доим маърифат, умуминсоний манфаатлар устига қурилган. Тарихдан яхши маълум, илгари ҳам эътиқод, қарашлар ўртасида турли зиддиятлар кўп учраган. Ўша даврларда ҳам улуг аллома аждодларимиз ўз илмий салоҳияти, билим ва тафаккури, маърифатпарварлиги билан уларга муносиб жавоб берган.



Замонамизда турфа зиддиятлар яна авж ола бошлади. Назаримизда дунё илгари ҳеч қачон эзгулик ва маърифатга ҳозиргидек ташна бўлмаган. Негаки аввал зиддиятлар, урушлар муайян ҳудуд, минтақадагина содир бўлган. Ҳозирги глобал дунёда эса нафақат куролли тўқнашувлар, балки мафкуравий курашлар ҳам чегара билмапти. Бундай вазиятда барча ўз манфаатидан келиб чиқиб иш кўриши бор гап. Ана шундай таҳликали даврда умуминсоний манфаатларни ҳимоя қилиб, тинчлик, дўстона алоқаларга асосланган сиёсат юритишга ҳамма давлатлар ҳам қодир эмас. Чунки бундай вазиятда эгонистик қараш нормал ҳолатга айланади.

Шукрки, юртимизда улуг аждодлар йўли танланган. Биз дунёга эзгуликни тарғиб этамиз ва шу

орқали инсониятни бирдамлик, тинчлик ҳамда маърифатга чорлаймиз.

Буни давлатимиз раҳбари БМТ минбаридан туриб баралла айтган, дунё ҳамжамияти бу қақирққа лаббай дея жавоб берган эди. Ушбу ташаббус натижаси ўлароқ, жорий йилнинг 15-16 октябр кунлари Тошкент ва Хива шаҳарларида “Ислам — тинчлик ва эзгулик дини” мавзусида нуфузли халқаро конференция ўтказилди.

Конференциянинг тўртинчи шўъбаси Хива шаҳрида бўлиб ўтди. Унда Саудия Арабистони, Миср, Туркия, Иордания, Умон, Россия, АҚШ, Франция, Озарбайжон, Қозғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Ҳиндистон ва Покистон каби 22 мамлакатдан 70 дан ортқ нуфузли

халқаро ташкилот раҳбарлари, дин арбоблари, муфтийлар ва таниқли уламолар иштирок этди. Маърифат маёғи сари инсониятни чорлаётган мамлакатда бундай меҳмонларга тинчлик-товушлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик элчилари, дея қараш табиий. Зеро, ислом дини одамзодга тинчлик ва омонлик дини сифатида юборилган буюк таълимотдир. Аммо барча даврларда бўлганидек, унинг аслиятини бузиб талқин қилиш, инсонлар эътиқодидан ўз манфаати йўлида фойдаланиш доим учраб туради. Бундай ғайриқарашларга қарши курашда эса фақат илм ва маърифатга суяниш мумкин.

Давоми 6-бетда

Қарор ва ижро

СОТИБ ОЛИШ ЭМАС, БАЛКИ ИЧКИ ИМКОНИЯТЛАРНИ ТЎЛИҚ ИШГА СОЛИШ СИЁСАТИ

Шоличиликдаги лойиҳалар шунга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир

Бугун глобал иқлим ўзгариши тадқиқотчилар зиммасига, айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида йирик инновацион лойиҳаларга устувор аҳамият бериш, мамлакатлар зиммасига эса уларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш вазифасини қўймоқда. Жумладан, дунёнинг қатор етакчи олимлари 2030 йилга келиб, шולי етиштиришда қандай ўзгаришлар бўлиши мумкинлигини аниқлаш ва қайси йўналишларга аҳамият бериш учун комплекс назарий тадқиқотлар ўтказгани боиси шунда. Мазкур жараёнда 31 мамлакатдан 101 мутахассис иштирок этган. Айни пайтда улар томонидан асосий тадқиқот мавзуларини янгилик ва долзарблигидан келиб чиққан ҳолда дастурлаштириш ишлари бошланган.

Глобал иқлим ўзгариши, кутилмаган каттақимликлар, курғоқчилик, турли сиёсий мижозлар озиқ-овқат хавфсизлиги борасида ташвиш уйғотмоқда. Жаҳон бозорини нархлар кескин ўсиши ва экспортни чеклаш тенденцияси ҳукм сурмоқда.

Бундан ташқари, тупроқ унумдорлиги пасайиши, деградацияси, шўрланиши, экилаётган экинларнинг тур, нав ва етиштириш технологиялари ҳозирги шароитга мос келмаслиги ҳосилдорликда яққол намоён бўляпти. Шулардан келиб чиқиб,

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) дунёда озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш эмас, балки ҳар бир давлат ички имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш сиёсатини юритишни жадал тарғиб қилмоқда. Зеро, бу сиёсат озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоларини самарали юмшатувчи омиллардан бири ҳисобланади.

Давоми 4-бетда

Муносабат

ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ НАМУНАСИ ЯРАТИЛМОҚДА



Садриддин ТУРАБЖОНОВ, академик

Бошланиши 1-бегда

Концепциядаги асосий масалаларнинг бажарилиши энергия самарадорлигини ошириш, энергетика хавфсизлигини таъминлаш ва бошқа қатор муаммоларнинг ҳал қилиниши талаб этади. Энг аввало, соҳадаги муҳандис кадрларнинг билими замонавий технологиялар ҳамда хорижий тажрибани ўзлаштириш даражаси ва ташаббускорлиги билан боғлиқ.

Хужжатнинг энг муҳим бандларидан бири шунки, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш билан бирга энергия сарфини камайтириш, истеъмолчиларнинг электр энергиясидан оқилона фойдаланишини рағбатлантириш бўйича иқтисодий механизмларни жорий этишни назарда тутди. Шунингдек, соҳадаги жараёнларни таҳлил қилиб бориш, мониторинг ва энергия аудити ўтказиш, камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш имкониятини беради. Бу жараёнда энергия сарфининг солиштирма қийматини камайтириш асосида мақсулот таннархини пасайтириш, рақобатбардошлигини ошириш асосий масалалардир.

Президентимиз икки кун давомида Тошкент вилоятига қилган ташрифи мобайнида бир неча объектларда бўлди. Янги ишлаб чиқариш лойиҳалари билан танишиб, бир қанчасини ишга тушириб берди. Жумладан, Янгийўл туманидаги "Тинчлик" кичик

саноат зонасидаги корхоналар ҳудуд иқтисодиёти рағбатига муносиб ҳисса қўшади. Хусусан, бу ердаги металл конструкциялар, юқори босимга чидамли резервуарлар, юк кўтарувчи кранлар, бургилаш ускуналари, пайвандлаш электродлари, металл эшик ва электр қутилар ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Enter Steel" корхонаси 40 миллион долларлик тўғридан тўғри хорижий инвестиция маҳсули. Корхона 1 минг 500 кишини иш билан таъминлаш имконига эга. Зарур мутахассислар "Амалий мономарказ"да тайёрланади. Ўқув хоналари ва лабораториялар замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Таълим дастури эса Тошкент давлат техника университети билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган.

Албатта, илм ва амалиёт уйғун жойда ривожланиш, янгилиниш бўлади. Иш унумдорлиги ортади. "Enter Steel"даги ишлар ҳам шу ҳамкорлик самарасидир. Тошкент давлат техника университети жамоаси ушбу вилоят билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келади. Гап шундаки, Президентимиз 2024 йил 27 августдаги видеоселектор йиғилишида мутахассисларга ҳудудларда электр энергиясидан оқилона фойдаланиш, унинг истеъмолини мониторинг ва энергия аудитидан ўтказиш вазифасини юклаган эди.

Ушбу топшириқлар ижроси доирасида Тошкент вилоятидаги ўрганиш ишларини марказлашган ҳолда назорат қилиш ва мувофиқлаштириш мақсадида олтига йўналиш бўйича мамлакат даражасидаги ишчи гуруҳ ташкил этилди ва масъулар белгиланди. Жорий йилнинг 10 сентябрдан вилоятнинг 22 та туман ва шаҳар электр таъминоти самарадорлиги жорий ҳолатини ўрганиш мақсадида энергетика соҳаси учун кадрлар тайёрловчи 7 та олий таълим муассасаси, жумладан, Тошкент давлат техника университети профессор-ўқитувчиларидан иборат ишчи гуруҳлар шакллантирилиб, уларнинг фаолияти бўйича тегишли кўрсатмалар берилди. Айни пайтда университетимизнинг 137 профессор-ўқитувчиси, олимлари ва талабаларидан иборат ишчи гуруҳ вилоятнинг 11 та туман ва шаҳрида ўрганиш ишларини олиб бормоқда.



Ишчи гуруҳлар ўрганишида йирик истеъмолчилар ҳамда электр тармоқларининг энергия самарадорлиги таҳлил қилиниб, йўқотишларни камайтириш, ишлаб чиқариш корхоналарининг технологик жараёни хусусиятидан келиб чиқиб, иш режимини оптималлаштириш асосида энергия самарадорлигига эришиш масалалари кўриб чиқилмоқда.

Бугун ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг саноат тармоқлари томонидан истеъмоли 40 фоиздан 50 фоизгача ташкил этмоқда. 2030 йилга бориб, бу кўрсаткич яна бир неча ўн фоиз ўсиши прогноз қилинган. Электр энергияси сарфининг бу қадар тез ошиб бориши мазкур тармоқда қувват самарадорлигини ошириш вазифасини кун тартибига олиб чиқди.

Тошкент вилояти саноатлашган ҳудуд. Истеъмол қилинадиган энергия ресурсларининг асосий қисми йирик энергия истеъмолчилари ҳиссасига тўғри келади. Вилоятда мамлакат иқтисодиётининг таянчи бўлган "Олмалик кон-металлургия комбинати" АЖ, "Ўзбекистон металлургия комбинати" АЖ, "Махам-Чирчиқ" АЖ каби йирик истеъмол

чиларнинг энергия истеъмоли самарадорлигини ошириш катта миқдордаги энергия ресурслари иқтисод қилинишига замин яратади.

Ишчи гуруҳ ўрганишлари асосида айтиш мумкинки, электр энергияси йўқотилишининг олдини олиш ҳамда энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича Тошкент вилояти намунаси яратилмоқда. Мазкур андазага энергия самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган қатор тақлифлар киритилиб, уларнинг жорий этилиши, ўз навбатида, ҳудудларда йўқотишлар камайишига, истеъмолчиларни узлуксиз ва сифатли электр энергияси билан таъминлашга замин яратади.

Ҳудудлардаги ўрганишлар натижасида ишчи гуруҳлар бераётган тақлиф ва тавсиялар илмийлиги ҳамда амалилиги билан долзарб. Масалан, вилоятнинг Оҳангорон шаҳрида ишлаётган илмий гуруҳ шаҳардаги 17 та ташкилотни ўрганиши натижасида электр таъминоти тизими элементлари нотўғри ўрнатилгани туфайли 3 та ташкилотдаги компенсатор қурилмалари ишдан чиққани, бир ҳолатда трансформатор

ўта юқори босимда ишлаётгани, иккита ҳолатда электр юриткичларни ишга тушириш режими нотўғри ўрнатилгани сабабли коммутация қурилмалари носоз ишлаётгани аниқланган. Ишчи гуруҳ мазкур ҳолатларни бартараф этиш бўйича тақлифларини бериб, улар амалга оширилса, истеъмолчиларда 5-7 фоизгача электр энергиясини иқтисод қилиш имконияти мавжудлигини ҳисоб-китоблар билан асослаган.

Тақдим этилаётган тақлифлар орасида асосий эътибор истеъмолчилар электр таъминоти тизимида қайта тикланувчи энергия манбаларини қўллашга қаратилмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, замонавий кўёш фотозеллектрик станциялари ҳамда кўёш сув иситкичлари аҳолининг электр ва иссиқлик энергиясига сарфлайдиган энергия ресурсларини 40 фоизгача тежаш имконини беради. Ҳудудлардаги гелиоколлекторлардан фойдаланиш орқали энергия ресурсларини иқтисод қилиш тақлифи билдирилган. Масалан, 100 литрли сув қурилмаси шу ҳажмдаги сувни 45 даража иситиш учун 2 соат вақт ва 4 киловатт қувват сарфлайди. Гелиоколлектор эса шу ҳароратдаги сувни 1 соатда иситиб беради. Агар битта гелиоколлекторнинг бир кунлик ишлаш вақти 8 соат деб ҳисобланса, 1 ва 100 литрли коллектор ёрдамида бир кеча-кундузда 32 киловатт-соат электр энергиясини тежаш мумкин.

Корхона ва ташкилотларда университетнинг энергетика муҳандислиги факультети 4-босқич талабаларининг дуал таълим тизимида амалиёти ҳам ташкил этилди. Ҳудудларда йирик истеъмолчилар ҳамда электр тармоқларининг энергия истеъмоли кўрсаткичларини таҳлил қилиш жараёнида талабалар иштирок этиши ишлаб чиқариш билан ўқув жараёнининг ўзига хос узлуксиз боғлиғини ифодалаб, "тармоқ — корхона — олийгоҳ" занжирининг бир ҳалқаси вазифасини бажармоқда. Энергия ресурслари истеъмолини таҳлил қилиш ва баҳолаш жараёнида талаба назарий билимларини амалий жиҳатдан муастаҳкамлайди. Бу эса сифатли муҳандис кадрлар тайёрлаш йўналишида олдимизга қўйилган ва зифаларнинг ўз вақтида ижро этилишига

хизмат қилади. Талабаларга келгусида ўзлари ишлайдиган объектлар фаолияти билан бугунданок танишиш имконини беради.

Бугун олдимиздаги асосий вазифа иқтисодий тармоқлари учун амалиётда қўлланаётган замонавий илғор технологияларни ишлаш оладиган, уларда бевосита технологик жараёнлар самарадорлиги ҳамда натижадорлигини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилишга қодир, етук ва малакали муҳандис кадрларни тайёрлашдир.

Мазкур ўрганишлар ишчи гуруҳ таркибида фаолият юритаётган малакали профессор-ўқитувчилар, илмий тадқиқот билан шуғулланаётган таълим доктрантлар, магистрлар ҳамда талабаларга назарий билимларини муастаҳкамлаш учун амалий билимлар майдончаси вазифасини бажармоқда.

Ишчи гуруҳ фаолияти нафақат реал объектлардаги энергия ресурслари бўйича истеъмол таҳлилига, балки ўрганишлар натижасида аниқланаётган технологик муаммолар асосида келгусида талабаларнинг битирув-малакавий ишлари, магистрлик диссертациялари, тадқиқотчиларнинг докторлик диссертациялари ҳамда мазкур технологик муаммоларни ечишга қаратилган хўжалик шартномаларини тузишга ҳам асос бўлиб хизмат қилмоқда.


Олимлар томонидан ушбу йўналишдаги илмий тадқиқотлар натижасида электр энергиясини ишлаб чиқариш учун сарф-ҳаражати камайишига ҳамда электр энергиясини иқтисод қилишга эришилди. Шу билан бирга, истеъмолчиларнинг электр энергиясидан оқилона фойдаланиши иқтисодий механизмлари такомиллаштирилди.

Айни пайтда энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўналишидаги ишларнинг давлат сиёсати даражасига олиб чиқилишидан мақсад энергия сиғимдорлигини камайтириш асосида иқтисод қилинган энергия ресурсларини иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига йўналтириш орқали мамлакатда энергетика хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Зеро, энергетика хавфсизлиги мамлакат хавфсизлиги кафолатидир.

Хориждаги ватандош

ЧЕТ ЭЛДА ИШЛАЁТГАН ТАРЖИМОН ҚИЗ ҚАШҚАДАРЁГА КАТТА ИНВЕСТИЦИЯ ЙЎНАЛТИРДИ

Коллежда ўқиб юрган кезларидаёқ Лобарда хорижий тилларни ўрганишга интилиш пайдо бўлди. Унинг қизиқиши кейинчалик кундалик одатга айланди. Шу тариқа инглиз ва корейс тилларини пухта ўрганди. Қарши ахборот технологиялари коллежини аъло баҳога тамомлагач, ҳеч иккиланмай Жанубий Кореядаги олийгоҳлардан бирига хужжат топширди. Буни қарангли, омади чолиб, Сонгюнган университетига ўқишга кирди.



бўлди. Яқинда Қашқадарёга бориб, вилоят ҳокими билан музокара ўтказди. Натижада воҳага катта миқдорда инвестиция киритиладиган бўлди.

Маълумотларга кўра, келгусида айнан Жанубий Кореянинг KDL компанияси воҳада "яшил", яъни қайта тикланувчи энергия манбаларидан қувват оладиган "ақли" иссиқхоналар қуриб беради. Смарт иссиқхоналарда етиштирилган мақсулот юқори сифатли бўлиб, тўлиқ Европа бозорига экспорт қилинади.

— Дастлаб Ўзбекистон ҳақида бошқача тасаввурда эдик. Етти йил олдин ҳам бу давлатта инвестиция киритиш учун келганман. Лекин бирорта ҳам имконият, давлат томонидан қўллаб-қувватлов бўлмагани боис, ортга қайтиб кетганман, — деганди бир муддат олдин KDL компанияси раҳбари Ким Же Ёнг юртимиздаги оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида. — Орадан бир неча йил ўтиб, Президентимиз юритаётган оқилона сиёсат, хорижий инвесторлар қўллаб-қувватланаётганини билганимиздан кейин дарҳол келдик ва сармоя киритдик. Биз юз бераётган ўзгаришлардан хабардоримиз ва ҳар сафар ҳайратда қоламиз. Ҳа, Ўзбекистон ҳақиқатан зўр имкониятлар тақдим этмоқда. Мисол учун, виза тизимидаги ўзгаришлар, солиқдаги енгилликлар... Инвестиция киритмоқчи бўлган компания, биринчи навбатда, мана шулар билан қизиқади. Қолаверса, логистика ҳам яхши йўлга қўйилган. Бу ҳам сармоядорлар учун муҳим жиҳат. Етти йил олдинги ва ҳозирги вазият орасида катта тафовут бор: Ўзбекистон бозори жуда тез ривожланди... Келгусида биз Ўзбекистонда "яшил" иссиқхоналар қуришни янада кенгайтираемиз. Ҳозир беш юз гектарда шундай иссиқхоналар барпо этган бўлсак, келгусида бу минг гектарга кенгайди. Кейинги манзиллими Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд бўлади.



хўжалиги мақсулотлари хорижий компания ташаббуси билан тўлиқ Европа бозорларига экспорт қилинади. Мазкур лойиҳа муваффақиятли амалга ошса, чет эллик ҳамкорлар бошқа тармоқларда ҳам ишлаш тақлифини билдирган.

— Олдимга қўйган қатор мақсадларим бор. Биринчи навбатда, шу ерда магистратура ва доктрантура босқичларида ўқиб ҳарақатидаман. Бундан ташқари, юртимизга инвестициялар олиб кирилиши ҳамда янгидан янги лойиҳалар амалга оширишга ҳиссамни қўлиш ниятидаман. Бунинг учун имконият етарли. Қайда бўлмайлик, ватанимиз, киндик қонимиз тўкилган жонажон Ўзбекистон учун хизмат қилишга тайёрымиз, — дейди Лобар. — Ҳар кун ижтимоий тармоқлар орқали юртимиздаги янгиликларни кузатиб бораман. Ҳамма соҳада ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида одамларнинг турмуш тарзи яхшиланиб, яшашга иштиёқи ортмоқда. Бу ерда ҳам кўпчилик юртимизда аҳоли фаровон яшаш учун катта ишлар бажарилаётгани ҳақида гапирди. Бориб, томоша қилиш истагини билдиради. Шундай пайтда ватанимизнинг бир-биридан гўзал манзиллари ҳақида фахр билан сўзлаб бераман ва бундан ўзгача завқ оламан.

Юртимизда ёшларга кенг имконият очилиши натижасида йигит-қизларимиз бугун турли давлатларда таълим олмақда. Етакчи олийгоҳларда тажриба оширмоқда. Юқори билимга эга бўлиб, юртимиз рағбатига ҳисса қўлиши учун астойдил интилоқда. Лобар Зоированинг саъй-ҳаракати бунга бир мисол бўлади. У каби ёшлар сафи кенгайиб бораётгани қувонарли.

Акбар РАҲМОНОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Маълумотларга кўра, келгусида айнан Жанубий Кореянинг KDL компанияси воҳада "яшил", яъни қайта тикланувчи энергия манбаларидан қувват оладиган "ақли" иссиқхоналар қуриб беради. Смарт иссиқхоналарда етиштирилган мақсулот юқори сифатли бўлиб, тўлиқ Европа бозорига экспорт қилинади.

бартараф этиш учун амалий ҳаракат бошлангани таъкидланди. Шу билан бирга, ёшларнинг баъзи тақлифлари эшитилиб, лойиҳалари инobatта олинди. Жумладан, айни пайтда Жанубий Кореядаги йирик корхоналардан бирида ишлаётган Лобар Зоирова яхши ташаббус билан чиқди. Ҳозир KDL компаниясида тадқиқотчи ҳамда таржимонлик билан шуғулланаётган қиз корхонаси вилоятга катта миқдорда инвестиция киритмоқчи эканини маълум қилди. Бу тақлиф ҳокимлик томонидан маъқулланиб, компания раҳбари вилоятга тақлиф этилди ва тегишли музокара олиб борилди.

— Мен ишлаётган корхона асосан инвестиция, импорт, экспорт ҳамда "ақли" иссиқхоналар қуриш ва қишлоқ хўжалиги мақсулотлари етиштириш билан шуғулланади, — дейди Лобар Зоирова. — Ҳозир у мамлакатимизга инвестиция киритмоқда. Хоразм ва Қорақалпоғистонда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бир оз муддат олдин компаниямиз раҳбарига Қашқадарёга ҳам инвестиция киритиш борасида фикримни билдиргандим. У қизиқиб билдириб, бунга рози



ИНСОН ҲАЁТИ ВА СОҒЛИҒИНИ ҲИММОЯ ҚИЛИШ ВА ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ: ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланган янги Ўзбекистонда амалга ошириладиган изчил ислохотлар, аввало, инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини, ҳар кимнинг қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузли ўрнини янада мустақкамлашга қаратилмоқда.

Ўзбекистон Экологик партияси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловида “Табиат учун бирлашайлик” шiori остида иштирок этиб, атроф-муҳит барқарорлигини таъминлаш ва экологик масалалар нафақат давлат ва жамият, балки ҳар бир инсон, оила ва маҳалланинг бирламчи устувор вазифаси бўлишига эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Партиянинг Сайловдаги дастурида давлат органлари фаолиятида ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида янги тахрирда қабул қилинган Конституциянинг нормаларини ҳаётга изчил татбиқ этиш, давлат ва жамият бошқаруви, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар самарадорлигини ошириш ҳамда қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан 2 та кодекс, ўнга яқин янги қонун лойиҳалари ҳамда миллий дастур, концепция ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш кўзда тутилмоқда.

Эколог-ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш ва экология соҳасидаги ихтисослашган судларни ташкил этиш зарур!

Юртимизда экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашишни кучайтириш ҳамда таъсиранан экологик назорат тизimini такомиллаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Бош прокуратура тизимида экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси ва ҳудудларда табиатни муҳофаза қилишга оид қонунчилик ижроси устидан назорат ҳамда ерлардан ноқонуний фойдаланишни бартараф этиш бўйича ихтисослаштирилган прокуратуралар ташкил этилди. Ички ишлар вазири, Миллий гвардия ҳамда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири раҳбирилик қилишида, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Партия экологик ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш зарурлигини таъкидлаган ҳолда, юридик ва жисмоний шахсларнинг экологик ҳуқуқларини, мулкий ва бошқа манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва соғломлигини ошириш, уларга соҳада қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалдан қўйиш ташаббуси экологик низоларни ҳал этиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига турли аралашувлар, таълим, тўқнақларга йўл қўймаслик, шунингдек, уларнинг экологик ҳуқуқлари чекланишининг олдини олиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиради.

Ҳозирда экологик ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарликнинг амалдаги санкциялари айрим ҳолларда табиатга ва табиий ресурсларга etkazилган ҳақиқий зарарга нисбатан номуносиб равишда белгиланган бўлиб, бу экологик ҳуқуқбузарликлар сонининг камайишига олиб келмапти. Масалан, ўтган 2023 йилда чикиндилар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар сонини қарий 17 400 тани, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар 11 580 тани, ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш соҳасида 5220 дан орткини, сув ва сув объектларини муҳофаза қилиш соҳасида 1400 дан орткини ташкил этган.

Маълумотларга кўра, 2023-2024 йиллар давомида экологик ҳуқуқбузарликлар юзасидан 27 та ҳолат бўйича жиноий иш кўзга тилинган бўлиб, уларнинг барчаси бўйича енгил жарима санкциялари қўлланилган, ҳолос, 9,5 мингта яқин ноёб турддаги дарaxтлар ноқонуний кесилиш оқибатида табиатга 36 миллиард сўмлик зарар etkazилган.

Сўнгги уч йилда қуриладиган объектлар сонини 3 баробар ошириб, дарё ўзанида ноқонуний қум-шағал қазиб олиш билан боғлиқ 303 та ҳолатда 68 миллиард сўм миқдорда жарима қўлланилган, шундан 42 та ҳолатда 45 миллиард сўм миқдорда табиатга зарар etkazилгани учун жиноят ишлари кўзга тилинган.

Шу ўринда, ЎзЛиДеП Сайловдаги дастурида “Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган жиноят турларини камайтириш, маъмур соҳани либераллаштириш тарафдоримиз” деган гоя илгари сурилмоқда. Бироқ мамлакатимизда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун нафақат маъмурий, балки жиноий жавобгарлик чоралари кучайтириладиган бир пайтда бу гоя қанчалик ўринли бўлади?

Чунки Экологик партия экологик ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш, шу жумладан, атроф-муҳитга ва аҳолининг соғлиғига etkazилган зарарини тўла қоплаш мажбуриятини ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини такомиллаштириш тарафдоридир.

Йилда Мехико шаҳрида бўлиб ўтган конференцияда халқаро экологик суд ташкил этилган.

Халқаро экологик суд атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва атроф-муҳитни бошқариш бўйича халқаро низоларнинг муайян вазиятини ҳуқуқий таҳлил қилиш асосида манфаатдор томонларнинг илтимосига биноан маслаҳат бериш, томонларни яраштириш, муросага келтириш ва томонларнинг ўзаро илтимосига биноан, томонлар олдиндан мажбурий деб тан олган қарор билан суд арбитражи жараёнини ўтказиш орқали ҳал этади.

БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури экспертлари фикрича, экологик судларнинг энг самарали модели Янги Зеландия, Австралиянинг Янги Жанубий Уэльс каби ихтисослашган мустақил суд институтлари ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, ихтисослашган экологик судларни ташкил этиш ва оид судловдан самарали фойдаланиш орқали инсоннинг экологик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш йўлга қўйилди. Шу жиҳатдан бундай судларнинг ташкил этилиши ниҳоятда долзарб ва зарур ҳисобланиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўлида жиддий қадам ҳисобланади.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда янги ёндашу!

Ўзбекистон экологик партияси Сайловдаги дастурида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизimini такомиллаштириш юзасидан йўл ҳаракати хавфсизлигини тартибга солишни қонуности ҳужжатларидан қонун асосида тартибга солишга etkazилиш ташаббуси илгари сурилмоқда. Бойси, йўл ҳаракати хавфсизлиги қондаларни ҳар қандай мамлакатда фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкни ҳимоя қилишини кафолат қилиб ҳисобланади.

Европа мамлакатлари ва АҚШда йўл ҳаракати хавфсизлигига оид алоҳида қонунлар қабул қилинган бўлиб, улар жамиятдаги

хавфсизлиги муаммосини ҳал қилиш учун асосий шартлар ва хизматларни тақдим этиш, авваломбор, қонун чиқарувчи органларнинг зиммасида эканлиги қайд этилган.

Ҳозирда йўл ҳаракати хавфсизлигини тартибга солиш масалалари “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги қонун, йўл ҳаракати қондалари, йўл ҳаракати қондаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби, йўл-патруль хизмати ходимларининг йўл ҳаракати қатнашчилари билан ўзаро муносабатлари ҳамда махсус мосламалардан фойдаланишни тартиби тўғрисидаги низолар билан ҳам тартибга солинади. Бу, ўз навбатида, тарқоқ ҳолдаги ўзаро боғлиқ қондаларни битта қонун ҳужжатига жамлашни тақозо этмоқда.

Партия йўл ҳаракати хавфсизлигини тўлиқ қонун асосида тартибга солиш йўл-транспорт ҳодисалари ва қондабузарликлар сонини камайтириш, йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳуқуқий маданияти, ўзаро ҳурмати ва билим-тажрибасини ошириш, ҳайдовчилар ва пиледалар учун қулай ва хавфсиз йўл ҳаракатини ташкил этишни таъминлашга хизмат қилади, деб ҳисоблайди.

Ёшларга тамаки махсулотларини сотишлигини тақиқлаш лозим деб ҳисоблаймиз!

Ўзбекистон экологик партиясининг Сайловдаги дастуридан ўрин олган муҳим ташаббуслардан бири 2009 йил 1 январдан кейин тутилган шахсларга 2030 йилдан бошлаб тамаки махсулотларини сотишлигини тақиқлаш ва инсон саломатлиги, айниқса, болалар соғлиғига энергетик ичимликларнинг салбий таъсирини инобатга олиб, уларни 21 ёшдан кичик шахсларга сотишни тақиқлашдан иборат.

Ўтказилган тақиқот натижаларига кўра, 2024 йил 1 сентябрь ҳолатига Ўзбекистонда



ташабуус — 2009 йил 1 январдан кейин тутилган шахсларга 2030 йилдан бошлаб тамаки махсулотларини сотишлигини тақиқлаш тақлифи айни бугунги кундаги муҳим масалалардандир. Қолаверса, бу ёш авлодини кашандалик иллатидан ҳимоя қилишда самарали механизмга айланиши аниқ. Бу тақлифнинг қўлла-қувватланиши эса аҳоли, энг аввало, ёшларнинг соғлиғини тамаки махсулотларини истеъмол қилишнинг зарари таъсиридан, шу билан боғлиқ иқтимоий ва бошқа салбий оқибатлардан ҳимоя қилишга ҳамда жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва қарор топтиришга хизмат қилади.

Экологик қонунчиликни сифат жиҳатидан янги боққичга олиб чиқиш устувор мақсад!

Ўзбекистон экологик партияси томонидан экологияга оид қонунчиликни кодификациялаш орқали Экологик ва Ўрмон кодексларини қабул қилиш ташаббуси илгари сурилиб, мазкур соҳалардаги қонунчилик ҳужжатларининг яхлит тизимлаштирилишига эришиш кўзда тутилмоқда. Аҳамиятли жиҳати, партиянинг 2019 йилги Сайловдаги дастурига ҳам Экологик кодекс лойиҳасини ишлаб чиқиш масаласи киритилган бўлиб, партия фракцияси томонидан унинг лойиҳаси ишлаб чиқилган. Мазкур лойиҳани янада такомиллаштириш ва парламент муҳокамасига олиб чиқиш жорий Сайловдаги дастурининг ҳам устувор вазифаларидан ҳисобланади.

Шу билан бирга, партия қонун ижодкорлиги йўналишида “Атроф-муҳит мониторинги тўғрисида”ги, “Экологик ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Табиатни тиклаш тўғрисида”ги ва “Кимёвий хавфсизлик тўғрисида”ги янги қонунларни ҳамда янги тахрирдаги “Чикиндилар тўғрисида”ги, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Озиқ-овқат махсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунларини қабул қилиш зарур деб ҳисоблайди.

Хусусан, “Атроф-муҳит мониторинги тўғрисида”ги қонун атроф-муҳит мониторинги тизimini такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш, прогнозаштириш орқали атроф-муҳитга салбий таъсир юзата келишининг олдини олиш, шунингдек, табиий ресурслардан фойдаланишни тизимли равишда кузатиш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат назорати ориентлигини баҳолаш ҳамда ҳаққоний ахборот билан таъминлашга хизмат қилади.

Аҳолининг экологик ахборотга бўлган конституциявий ҳуқуқини таъминлаш мақсадида эса “Экологик ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунни, атроф-муҳитни тиклаш, унга бўладиган зарарли таъсир оқибатларини бартараф этиш ва табиий ресурсларни тақдор ишлаб чиқаришининг ҳуқуқий асосларини белгиловчи “Табиатни тиклаш тўғрисида”ги қонунни, ҳозирда кимё саноати жадал ривожланиётганлигини эътиборга олиб, аҳолини кимёвий заҳарланишдан сақлаш, соғлиғини муҳофаза қилишга қаратилган “Кимёвий хавфсизлик тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш ҳам устувор аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, партия чикиндиларнинг бошқариш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ҳамда таъминоти билан соҳада давлат-хусусий шериклик механизмини ҳамда давлат бошқаруви органлари вақолат ва функцияларини аниқ белгиловчи янги тахрирдаги “Чикиндилар тўғрисида”ги қонунни, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш, иссиқ-хона газлари нормадан ортки чиқарилишининг олдини олиш ва бу борада ташкилий-ҳуқуқий механизмларни аниқ белгилаш мақсадида

замонавий халқаро стандартлар асосида янги тахрирдаги “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш тарафдори ҳисобланади.

Шунингдек, дунёда генетик муҳандислик технологиялар ривожланиб бораётганлигини инобатга олиб, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда аҳоли соғлиғини сақлаш мақсадида янги тахрирдаги “Озиқ-овқат махсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш ҳам соҳадаги ҳуқуқий асосларнинг мустақкамланишига хизмат қилади.

Яшил келажак йўлида “Барқарор экологик ривожланиш стратегияси” ва “Миллий дастур” қабул қилиш ҳаётини заруратдир!

Жорий йилги сайловларда Ўзбекистон экологик партияси томонидан давлат экологик сиёсатининг устувор йўналишларини белгилайдиган “Барқарор экологик ривожланиш стратегияси”ни қабул қилиш ташаббуси долзарб аҳамиятга эга бўлиб, соҳадаги комплекс муаммоларнинг олдини олишга йўналтирилгани билан муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу ҳужжат мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик барқарорликка эришиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлиши билан бирга, аҳоли учун қулай атроф-муҳит шароитларини яратиш, иқлим ўзгаришларига мослашиш, Орол фюкзиси оқибатларини юмшатишни назарда тутди.

Бир сўз билан айтганда, “Барқарор экологик ривожланиш стратегияси” мамлакатимизнинг бебаҳо табиий бойлиқларини кўпайтиришга, ҳозирги ва келажак авлодлар учун асраб-авайлашга ҳамда атроф-муҳит мусаффолигини сақлашга хизмат қиладиган ҳужжат бўлади.

Шунингдек, партия қишлоқ хўжалиги, саноат ва иқтисодиёт тармоқларида сувдан самарали фойдаланишга қаратилган Миллий дастурни қабул қилишни зарур деб ҳисоблайди.

Миллий дастурнинг қабул қилиниши атроф-муҳитни таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқий муаммолардан ҳар бирини тегишли ҳулоса чиқариб, сувни тежаш ва исроф қилмаслик тамойили кундалик мезонимизга айланишига ва сувдан келажак авлод ҳам баҳраманд бўлиш учун имконият яратди.

Партия илгари сураётган янги қонунларни қабул қилиш ва амалдаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш ташаббуслари инсон ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш ва экологик ҳуқуқларини таъминлашга, экологик соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини оммалаштиришга хизмат қилади.

Табиатнинг бетакор мўъжизаси — муқаддас тупроқ, мусаффо ҳаво, зилол сув, ўз нурини саҳийлик ила сочаётган кўёш — барча-барчаси биз, инсонлар учун бебаҳо нармат эканлиги доимо ёдда тутайлик! Она-табиатимизни, атроф-муҳитини асраб-авайлаш, келажак авлодларга бекаму кўст etkazиш йўлида бирлашайлик!

Хайрулло ҒАФФОРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Дилдора КАМАЛОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод



Қарор ва ижро

СОТИБ ОЛИШ ЭМАС, БАЛКИ ИЧКИ ИМКОНИАТЛАРНИ

Тўлиқ ишга солиш сиёсати

Шоличиликдаги лойиҳалар шунга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир



Мас'уджон САТТОРОВ, Шоличилик илмий-тадқиқот институти директори, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

Бошланиши 1-бетда

Булар Ўзбекистон учун ҳам дахлдор масалалар, албатта. Орол денгизи қуриши, интенсив деҳқончилик ерлари шўрланиши, дарёлар суви кескин камайиши энг ташвишли омиллар сирасидан. Шунингдек, деҳқончилик маданиятидан дунёвий ўлчовлар бўйича ортда қолаётганимиз ҳам бор гап. Бундай ҳол кўйлаб саволларни юзага келтирмоқда. Куйида шулардан бири — шולי етиштириш масаласига батафсилроқ тўхталсак. Чунки шולי, айтиб ўтганимиздек, энг кўп сув талаб қилувчи экан.

Асосий масала — мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги олдига тупроқ-иқлим, сув танқислиги, қурғоқчилик, юқори ҳарорат, шўрланиш, тупроқ деградацияси, унумдорлик пасайиши сингари муаммолар экан, гуруч етиштиришда нималарга эътибор қаратиш керак? Ваҳоланки, гуручга талаб дунё бўйича ортиб бормоқда. АҚШ қишлоқ хўжалиги департаменти маълумотларига кўра, дунё бўйича 2022 йилда шולי ишлаб чиқариш 496,4 миллион тонна, 2023 йилда эса 503,17 миллион тоннани ташкил этган. Бу гуручга талаб йилга 1,36 фоиз ортаётганини аниқлатади.

Республикамизда 2023 йил ҳосили учун экилган 141 минг гектар шולי майдонидан 661,4 минг тонна ҳосил етиштирилиб, ҳосилдорлик 47,1 центнер бўлган. Халқимиз гуруччи суйиб истеъмол қиладиган миллатлар қаторида. Шуларни инобатга олесак, шולי биз учун, албатта, керак. Лекин Ўзбекистон тупроқ-иқлим шароитида деҳқончилик табиий ресурслари қатъий чекланган.

айниқса, бу шоличиликка тааллуқли. Чунки суғориш учун сувнинг 85 фоизи трансегравий ҳисобланади. Шунинг учун энди асосий эътибор шולי екенини жойлаштиришда, биринчи навбатда, сув таъминоти, иккинчидан, ҳосилдорлик ҳамда унинг сифатига, таннархига қаратилади. Энди шולי майдонлари жуда ёйиқ, кенг миқёсда жойлаштирилмай, сув сарфиди юқори самарали массивлаштириш тартибидан фойдаланилади. Сувнинг йилдан йилга кескин камайиши инобатга олиниб, шоличиликда “ер майдонларини қисқартириш, ҳосилдорликни эса ошириш” тамойили қабул қилиниб, фақат илмий асосланган тавсиялар бўйича турли ресурстежамкор агробиологик технологиялар, биотик ва абиотик омилларга чидамли хорижий ҳамда ҳамкорликда яратилган, генетик тузилиши жиҳатидан маҳаллий навлардан кескин фарқланувчи лидер шולי навлари бирламчи уруғчилиги ташкил этилади.

Сўнгги йилларда сувтежамкор, турли стресс омилларга чидамли навларни яратишда хорижий ҳамкорликни кучайтириш ҳамда етиштириш агротехнологияларини маҳаллийлаштириш, бу борадаги тажрибалардан кенг миқёсда фойдаланишга ва амалиётга жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шоличиликни ривожлантириш бўйича бир қанча ҳужжатлар қабул қилиниб, илм-фаннинг босқичма-босқич ривожланишига ҳисса қўшилди.

Президентимизнинг 2024 йил 15 августдаги “Шоли етиштирувчилар фаолиятини кўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори йиғилиб қолган инновацион янгиланган амалиётга жорий этишга кенг йўл очиб беради, десак адашмаймиз. Чунки Шоличилик илмий-тадқиқот институти олимлари Жанубий Корейнинг КОРИА маркази билан ҳамкорликда шולי кўчатишни махсус иссиқхоналарда тайёрлаш ва механизация ёрдамида асосий ҳамда такрорий экин сифатида экиш бўйича илмий ишларни деярли тугатганидир. Фақат уни амалиётга кенг жорий этиш учун давлат кўллаб-қувватловини жуда зарур эди. Яъни лойиҳага асосан, институтида синаш ва экиш мақсадида ушбу мамлакатдан келтирилган “RF-48 ва PRO 600 V русумли 5 та машина кенг қамровли синовлар ўтказиш учун етарли эмасди. Қарорда айнан шу жиҳат ҳам инобатга олингани ишларни жадаллаштиришга хизмат қилади.



Халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган шולי элита марказлари, юқори авлодди уруғликларни кўпайтириш учун қонуний ақратилган ер майдонлари, уруғлик шолини тозалаш, саралаш ва қалоклаш тартиботларини амалиётга қўллаш имконияти ҳам йўқ эди. Бу ҳолат эса маҳаллий шולי навларининг рақобатбардорлиги пасайишига олиб келётганди. Қарорда республикамизда шולי етиштириш, сақлаш, қайта ишлашнинг узлуқсиз ва самарали тизимини жорий этиш, ички истеъмол бозорини гуруч билан барқарор таъминлаш, бунинг учун соҳада илмий тадқиқот ишларини, айниқса, хорижий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари қайд этилгани айни мудоао бўлди. Жумладан, 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб фермер, деҳқон хўжаликлари ва бошқаларга шולי етиштириш ҳамда харид қилиш харажатларини молиялаштириш учун кредит ажратилиши белгиланди. 2025-2026 йилларда қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан шולי экиш учун харид қилинган ва ишлаб чиқарилганига бир йилдан ошмаган янги уруғ саялкалари ҳамда кўчатлаб экиш ускуналарни қийматининг 20 фоизи давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш орқали қоллаб берилди. Бунда Хоразм вилояти учун алоҳида имтиёз ва чоралар кўлланилади. Мисол учун, Гурлан туманида маъсулоти чекланган жамият шаклида шולי элита уруғлик марказлари ташкил этилади.

Яна бир ижобий омил, хорижий шולי навлари бўйича икки йил давомида синовлар ўтказилиб, тезпишар, кам сув талаб қиладиган, юқори ҳосилли навлар танлаб олинди ҳамда уларнинг бирламчи уруғчилиги йўлга қўйилди. Маҳаллий стресс омилларга бардошлилиги паст навлар нисбатан чидамлиларига алмаштирилади. Натижада ўртача ҳосилдорлиги 5-7 центнер оширилди. Ушбу қарор негизда илм-фан янгиланган амалиётга тўлиқ жорий этиш, яъни шולי етиштирувчилар фаолиятини кўллаб-қувватлаш сиёсати етибди. Албатта, бу ижобий натижасини беради.

Қарорда Хоразм вилоятига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Бунинг илмий-амалий асослари бор. Биринчидан, Хоразм Ўзбекистоннинг шимол-ғарбида, Амударёнинг пастки оқимида денгиз сатҳидан 106-108 метр баланликда жойлашган бўлиб, юртимизнинг энг паст қисми ҳисобланади. Бу ерда сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик маданияти қадимдан ривожланган. Амударё суви текис ерлари, пахта, бугдой, шולי ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини парварилаш учун қўлай.

Рельефи пасттеклик бўлиб, умумий пасайиши шимол-ғарб томонга йўналган. Вилоятнинг бутун ҳудуди суғориш каналлари ва зовурали билан қопланган. Демак, мамлакат шоличилигини мақсадли ривожлантириш учун энг қўлай ҳудуд — Хоразм.

Иккинчидан, Хоразмда деҳқончилик яхши ривожланган, ўзининг шоличилик мактабига эга.

Учинчидан, бу ерда шоличиликни янада ривожлантиришга қизиқиш юқори ҳамда маҳалла кадр-мутохассислар етарли.

Тўртинчидан, мамлакатда етиштирилаётган жами шолининг 36 фоизи Хоразм вилояти ҳиссасига тўғри келади.

Бешинчидан, вилоятнинг жами ҳудуди бир ирригация тизимига туташган.

Олтинчидан, Шоличилик илмий-тадқиқот институти филиали Гурлан туманида жойлашган ва бу ерда вилоят шариоитига мос навларни яратиш борасида илмий тадқиқотлар қилинапти.

Кўп йиллик изланишлар натижасида турли салбий омилларга, яъни сувсизлик, шўрланиш, юқори ва паст ҳароратга чидамли, ирсий кўрсаткичлари, паст, ўрта бўйли, кўп тупланувчан, қаттиқ поъли маҳаллий навлардан кескин фарқланувчи хорижий навлар асосида биринчи мартаба Қорақалпоғистон ва Хоразм шариоити учун мос модификацияланган “Йўлдош” ва “Манзур” навлари яратилди. Филиппиндаги Халқаро шоличилик институтидан олиб келинган навлар орасида Тошкент, Наманган, Хоразм ва бошқа вилоятлар шариоитига мос сув талаб этувчи, ҳосилдорлиги юқори, шўрга чидамли навлар бўйича дала тажрибалари ўтказилмоқда.

2023 йилда “Шоли етиштириш технологиясини механизациялаш йўли билан тақомиллаштириш ва бир гектардан 110-120 центнер ҳосил олиш” техник ҳамкорлик лойиҳаси доирасида Жанубий Корейнинг КОРИА маркази билан илк бор бир гектар шולי майдонидан икки марта ҳосил олиш бўйича кўчат усули тадқиқотлари дала шароитида ўтказилди. Андижон вилояти Избоскан тумани “Нодирбек” фермер хўжалиги майдонларида апрель ойида шולי кўчат усулида экилди. Бунда биринчи ҳосилдан гектарга 65 центнер, иккинчи ҳосилдан эса 55 центнер, жами 120 центнер ҳосил олишга эришилди. Ҳозир янги йўналишда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бир гуруҳ олимларимиз дурагай шולי етиштириш бўйича Вьетнамда 2 ойлик малака ошириш амалий курсларини ўтамоқда ва 2025 йилдан Хоразм вилоятида илк бор синаш ишлари бошланиши режалаштирилган.

Илмий натижалар ҳамда янгиланган, яъни турли стрессларга чидамли янги гермоплазмаларга эга серхосил навлар яратилиши жуда оғир меҳнат, узоқ мuddат, мадлага талаб этадиган шולי кўчатини қўлда экишдан босқичма-босқич воз кечишга замин бўлади. Илгор усуллар технологиясини механизациялаштирилиши барча сарф-харажатларини ўртача 30-50 фоиз тежашга, ҳосилдорликни эса 3-5 центнердан оширишга хизмат қилади.

Яна бир жиҳат. Дунё бозорида бугунги кунда пахта хомашёси нархи кескин пасайиши, кластерлар пахта етиштириш харажатларини қоллай олмаётгани, ғўза парваришида сув сарфи кўплигини инобатга олган ҳолда Хоразм вилоятида шולי улушини 60-70 фоизга олиб чиқиш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Натижада вилоятда икки вариантли дон етиштириш тизимини йўлга қўйиш имкони вужудга келади.

Шундан биринчи вариантда “кузги ғалла: такрорий шולי” навбатлаб экиш тизимини қўллаб, бир гектардан 100-110 центнер ғалла ва шולי ҳосили олиш мумкин. Иккинчи вариантда эса “шולי: шולי” навбатлаб экиш тизимини қўллаб, кўчат усулида асосий экин сифатида шולי етиштирилиб, гектардан ўртача 60-70 центнер биринчи ҳосилни олиш ва кетма-кет ерни ҳозирлаб, махсус тайёрланган эртапишар шולי кўчатларини (арпа шולי — девзира) экиб парварилаш орқали яна қўшимча 11-12 тоннагача маҳсулот олинади.

Республикамизда ишлаб чиқаришида бир кило пахта 6-8 минг сўмга баҳоланса, гуручининг бозордаги нархи 35-40 минг сўм атрофида. Ноёб саналган “арпа шולי”, яъни девзира гуручларининг нархи 120 минг сўмга етган. Шу билан бирга, ҳар йили кўп миқдорда гуруч импорт қилишга мажбурмиз. Демак, илк бор Хоразм вилоятини бошқоқ дон экинлари ҳамда шоличиликка ихтисослаштириш масаласини йўлга қўриш керакдир.

Обод маҳалла

Кўкун шаҳридаги “Узумзор” маҳалла фуқаролар йиғинида “Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла” мезонлари дастури асосида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари кўҳна маҳалла ҳаёт тарзини бутунлай ўзгартириб юборди. Аҳоли хонадонлари, кўчаларнинг бугунги меъморий кўринишига ҳавасингиз келади, кўмакка муҳтож оилалар ҳар жиҳатдан ижтимоий қўллаб-қувватланипти.

Ободончилик ишларини амалга ошириш учун айнан “Узумзор” маҳалла фуқаролар йиғини танлаб олингани бежиз эмас. Уч мингдан ортқ аҳоли яшайдиган маҳалла узоқ йиллардан буён муаммолар гирдобидида қолган. Утган асрнинг 60-80-йилларида қурилган икки ва тўрт қаватли уй-жойлар йиллар давомида эътибордан четда қолди. Натижада ҳар ким ўзи истаган ҳолда темир-бетон гаражлар, қўйхона, молхона, товуқхона сингари пала-партиш бинолар қуриб ташлади. Бу аҳолининг ҳақли эътирозлари, транспорт ҳаракати, ҳудуднинг меъморий кўринишига салбий таъсир кўрсатмай қолмади.

Президент Администрацияси раҳбарлигида маҳаллада хатлов ўтказиш, аниқланган муаммоларни бартараф этиш, аҳоли турмуш

ОДАМЛАР РОЗИЛИГИ БИЛАН ЮРТГА БАРАКА ИНАДИ

даражасини кўтариш, уларнинг ҳаётдан рози бўлиши янаш учун ҳар бир хонадонда имконият яратишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Қисқа фурсатда “Узумзор”да катта бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилди. Мавжуд ички йўллар асфальтланди, электр тармоқларига темир-бетон таянчлари ўрнатилди, трансформаторлар таъмирланди. Ҳудуднинг ободонлаштириш, яшил макон яратиш мақсадида суғориш тизимлари учун сув қудуқлари қазиб берилди, чиқиндилар йиғиш тармоқлари қурилди, сув йўллари бетонлаштирилди.

“Обод хонадон” мезони асосида 6 та икки ва 2 та 4 қаватли уй-жойнинг ички, ташқи ва том қисмини таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Эҳтиёжманд оилалар истиқомат қиладиган хонадонларда капитал таъмирлаш борасида олиб борилган ишлар одамлар кўнглини кўтармоқда.

— Шу маҳаллага келин бўлиб тушганимга ярим асрдан ошди, — дейди набирасини биларлар майдони сари етаклаб бораётган Раънохон ая Юсупова. — Аммо бундай катта қурилиш ва ободончиликларни кўрмаганман. Атрофга боқсам, кўзим қувнади, дилим яйрайди. Барака топсин, ҳар бир кўп қаватли уй-жойлар олдига замонавий болалар ўйин майдончалари қуриб беришди. Тунда ҳам қуңдуздек ёришган кўча ва хиёбонларда сайр қилиб дам оляпман. Кўрсатилаётган

бундай эътибордан кўнглимиз тоғдек юксалди, ҳаммаси учун катта раҳмат.

Ҳудудда саховатпеша ҳомиёлар, ташаббускор тадбиркорлар кўмаги ва қўллаб-қувватлаши асосида умумий қиймати 9 миллиард сўмдан ортқ қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламини аниқлаш, тадбиркорлик фаолиятларини кенгайтириш мақсадида асбоб-ускуналар учун субсидиялар ажратиш, бандлигини таъминлаш, моддий ёрдам бериш билан боғлиқ иш кўллаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Маҳалла ҳудудида шу кунга қадар бирламчи табиий хизмат кўрсатиш пункти бўлмаган. Табиий хизматга эҳтиёж сезган аҳоли 10 километрдан ортқ махсус босиб, шаҳар марказидаги оилавий поликлиникага боришга мажбур бўлган. Бугунга келиб, бу борадаги оворагарчиликлар барҳам топди. Маҳаллада 8-оилавий поликлиникага қарашли контейнер табиий пункт ишга туширилди. — Қон босимни кўтарилиб тургани боис, шифокорларга тез-тез мурожаат қилишимиз тўғри келади, — дейди меҳнат фахрийси Фотимахон Абдураҳмонова. — Оилавий поликлиника яшаш манзилимиздан бирмунча узоқлиги учун қўллаб оворагарчиликларга дуч келамиз. Маҳалламизда ташкил этилган янги табиий хизмат кўрсатиш тармоғи узоғимизни яқин, оғиримизни енгли қилди.

Табиий кўрик, муолажа билан боғлиқ барча ёрдамларни энди шу ерда оляпмиз.

Ташкил этилган маҳалла табиий пунктда аҳолига бирламчи табиий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган барча шарт-шароитлар яратилган. Шифокор қабули, муолажа учун махсус ўрин-жой, электр, совуқ ва иссиқ сув, иситиш тизими каби зарур инфра-тузилма тармоқлари мавжуд. Умумий амалиёт шифокори Саодатхон Усмонова табиий пункт учун битта УЗИ апарати ажратиш мақсада мувофиқлигини таъкидлади.

“Узумзор” маҳалла фуқаролар йиғинида амалга оширилган бунёдкорлик, ободончилик ишлари билан танишиш жараёнида эътиборимизни тортган яна бир жиҳат, кўп қаватли уй-жойлар ёнида миллий урф-одат ва қадриятларимизга хос бўлган танدير ва ўчоқлар, дам олиш, тадбирлар ўтказишга ихтисослаштирилган миллий айвонлар қуриб берилди. Ушша иш йўқ бў лойиҳалар аҳолини бир мақсад йўлида бирлаштириш, ҳамжихатликда иш олиб бориш имкониятини беради.

— Маҳалламиз кўп миллатли. Шу кунга қадар маҳалла фуқаролар йиғини учун бино ҳам йўқ эди, — дейди маҳалла хотин-қизлар фаоли Мухаббат Илмиёминова. — Уч йилдирки, бир хонали эски бинода ижарада туриб иш олиб борганмиз. Биров келса, ўтказгани жой тополмай қолардик. Ҳамма қийинчиликлар ортда қолди. “Маҳалла етти-лиги” учун барча шарт-шароитлар мужассам



замонавий бино қуриб берилгани айни мудоао бўлди.

Ободончилик, бунёдкорлик ишлари билан чеклиниб қолгани йўқ. Эҳтиёжмандларни ижтимоий ҳимоялаш, ишсиз, миграциядан қайтган ёшларни иш билан таъминлашга бўлган эътибор ошди. Шу кунга қадар ҳошим ёрдамчиси тавсисин билан умумий қиймати 204 миллион сўмлик имтиёзли кредит маблағлари берилиб, 40 дан ортқ янги иш ўринлари яратилди. Касб-хунар ўрганиш истагани билдирган 20 нафар хотин-қиз касбга ўқитилди.

— Маҳалламизда болалар трикотаж кийимлари ишлаб чиқариш ривожланган, — дейди Ҳадичахон Эргашева. — Бу йўналишда ўз тадбиркорлик фаолиятимизни йўлга қўймоқчи эканимизни билдирдик. Ташаббусимиз қўллаб-қувватланиб, 33 миллион сўмлик имтиёзли кредит маблағи берилди. Тизув жиҳозлари харид қилдим. Меҳнат миграциясида бўлган қизим ва келинимни ҳам чақириб

олдим. Эндиликда шу ерда яшаб, яхши даромад топиш имкониятига эга бўлдик.

— Хаста онам ва укаларимдан ортиб, ҳеч қаерда ишлаб олмаётганим, — дея суҳбатга қўшилди Дадахон Камолов. — Менга субсидия асосида тизув машинаси ва хомашё харид қилишим учун 5 миллион сўмлик имтиёзли кредит беришди. Айни кунда аёллар учун шарф-рўмоллар тайёрлашни йўлга қўйдим. Укам ва синглимга ҳам касб-хунар сирларини ўргатганман.

Сирасини айтганда, юрт ободлиги, аҳоли фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ҳаётбахш ислохотлар чекка ва олис ҳудудлар ҳаёт тарзини ўзгартирмоқда. Буни одамларнинг эътирофи ва эътиборига сазовор бўлаётган хонадон ва кўчаларнинг янги кифёсида ҳам аниқлаш мумкин.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

УЛУҒ АЖДОДЛАР ИЛМӢЙ МЕРОСИ — КЕЛАЖАК МАӢФИ

Шу кунларда мамлакат жанубидаги воҳа маркази — Термиз шаҳри ҳамда Шеробод туманида қатор маънавий-маърифий тадбирлар, халқаро симпозиум ва конференциялар, анжуманлар ўтказилди.



Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 15 августдаги “Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори ижросига киришилган. Қарорга кўра, 2024 йил октябрда Термиз шаҳрида Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллиги кенг нишонланиши белгиланган. Тадбирни юқори савияда ўтказиш бўйича чора-тадбирлар дастури ҳам тасдиқланган.

Шунингдек, қарорда қайд этилганидек, 2024 йил октябрда Тошкент шаҳрида “Ислам — тинчлик ва эзгулик дини” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилиши назарда тутилган. Унинг доирасида “Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тугатган ўрни” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказиш ҳам режалаштирилган.

Шу билан бирга, Шеробод туманидаги Имом Абу Исо ат-Термизий мажмуасида ободонлаштириш ишлари бажарилди. Бу ерда Имом Термизий ва термизий алломаларнинг ҳаёти, илмий ва ижодий фаолиятига бағишланган асарлар, ноҳид қўлёзма ва нашр нусхалари ҳамда китобларнинг кўргазмасини ташкил этиш мўлжалланган.

Бугунга қадар вилоят марказидаги қатор олийгоҳларда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Дин ишлари бўйича қўмита ҳамкорлигида “Термизий илмий меросининг илмий-маънавий мероси: ўтмиш ва бугун” мавзусида республика илмий-амалий конференцияси ҳамда Имом Термизий ҳаёти ва илмий фаолиятига оид мақолалар танлови ўтказилди.

— Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллиги кенг нишонланётгани барчамизни бирдек қувонтиради. Чунки бу тарихимизни тиклаш, илмий, тарихий ва ҳаётий ҳақиқат нуктаи назардан туриб янгидан талқин этиш имконидир, — дейди Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази катта илмий ходими Жалолиддин Мирзаев. — Абу Исо Термизий ҳаётида Термиз шаҳри ва термизийлар билан алоқалар алоҳида аҳамият касб этди. Шу тўғрисида Термиз шаҳрида қатор лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилган.

2017 йилда очилган Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази қисқа муддатда нафақат Ўзбекистон, балки халқаро илмий жамоатчилиги орасида

юқори савияда ўтказиш режалаштирилган, — дейди Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори ўринбосари, филология фанлари бўйича фалсафа доктори Каромиддин Жамаҳматов. — Бугун ўтмишни билмай, янги тарих, янги ғоя, янги кашфиёт, янги ҳаётга қадам қўйиш амри маҳол. Тарих орқали ёшларнинг она ватанига муносабати ўзгаради. Юрт истиқболи, халқ фаровонлиги иқтисодиёт ва маънавият юксалигидадир. Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридидеك улуг алломалар ҳаёти ва меросини ўрганиш орқали соф азалий маънавиятимизни сақлаб қоламиз.

Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказидаги изланишлар натижасида ўрта асрларда Термизда кўпгаб илмий мактаблар вужудга келгани, ўз даврида ислом цивилизацияси бешикларидан бири бўлгани исботини топди. Жумладан, тафсир, ҳадис, тасаввуф, ақида ва адабиётга оид мактабларда Ҳаким Термизий, Абу Жаъфар Муҳаммад Термизий, Имом Абу Исо Термизий, Абу Бакр Варроқ Термизий каби термизий нисбаси билан ижод қилган 100 дан ортиқ аллома фаолияти ва мероси ҳақида юртимиз ва жаҳон илмий жамоатчилигига янги янги маълумотлар тақдим этилмоқда.

— Муҳаммад ибн Исо Термизий Термиз яқинидаги Буг қишлоғи (ҳозирги Шеробод тумани ҳудудида) ўр-таҳол оилада туғилган ва шу ерда вафот этган, — дейди Сурхондарё вилояти бош имом-хатиби Алиқабар Сайфидинов. — Мутафаккирнинг болалиги ва ёшлиги Термиз шаҳрида ўтиб, дастлабки маълумоти ҳам шу шаҳарда олган. Имом Термизий ёшлигидан турли илмларни эгаллашга зўр қизиқиш билан интилган. Болалигидан ўта зий-раклиги, ёдлаш қобилияти кучли бўлгани, ноёб иқтидори билан тенгқурларидан ажралиб турган. Ҳадис илмини эгаллаш ва ривожлантириш учун ўз даврининг машҳур муҳаддисларидан таҳсил олди. Устозлари сифатида Имом Бухорий, Имом Муслим, Абу Довуд, Қутайба ибн Саъд, Исҳоқ ибн Мусо, Маҳмуд ибн Ғийлон, Саид ибн Абду-



ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди. Марказ ёнида ўрта махсус ислом таълим муассасаси ҳамда аллома номи билан аталувчи институт ташкил этилгани жанубдаги қадимий ва навқирон шаҳарда катта таълим ва илмий-тадқиқот мажмуаси вужудга келганидан далолат.

— Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази очилгани катта воқеа бўлди. Ушбу марказ сабаб Термизий ва Чагоний алломалар илмий меросини ўрганиш, тадқиқ этиш, қўлёзма манбаларни нашрга тайёрлаш имкони пайдо бўлди. Бундай илмий-маърифий фаолият маърифатга ташна халқимиз учун юксак аҳамиятга эга, — дейди марказ директори, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Музаффархон Жониев. — 2023 йил ноябрда Термиз шаҳрида “Имом Бухорий, Доримий ва Термизий: муҳаддисликнинг Мовароуннаҳр мактаби” мавзусида халқаро илмий конференция ўтказилган эди. Шунда иштирокчилардан бири, БАА уламоалар кенгаши аъзоси, Шаржа университети профессори Шайх Абдулҳаким ал-Анис “Имом Термизийнинг ибратли ҳаётининг ўрни, “Сунан” номи асарининг ўзига хос жиҳатлари, Ҳаким Термизий ҳаёти ва илмий мероси, ҳадис илмига ҳиссаси, термизий алломалар илмий мероси ва ҳозирги аҳамияти каби мавзулар муҳокама қилинди.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Термиз шаҳрида “Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тугатган ўрни” мавзусидаги халқаро илмий анжуман ўтказилди. Унда Термиз ҳадис мактаби, Имом Термизий ҳаёти ва илмий мероси, Имом Термизийнинг ҳадис илми ривожлантириш учун “Сунан” номи асарининг ўзига хос жиҳатлари, Ҳаким Термизий ҳаёти ва илмий мероси, ҳадис илмига ҳиссаси, термизий алломалар илмий мероси ва ҳозирги аҳамияти каби мавзулар муҳокама қилинди.

— Мовароуннаҳр дунёга иккита Ренессанс тухфа қилган бўлса, айни дамда Учинчи Ренессанс пойдевори учун илдам қадам ташламоқда. Мана шундай хайрли ишлардан бири сифатида “Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тугатган ўрни” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман ҳамда “Термизий алломаларнинг илмий-маънавий мероси: ўтмиш ва бугун” мавзусида республика илмий-амалий конференциясини



Гулноза Жўраева, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети проректори

Ўшанда давлатимиз раҳбарининг нутқини БМТ за-лида ўтирган барча диққат билан эшитиб, олқишлаган эди. Тасаввур қиляпсизми, биргина нутқ боис, дунёнинг Ўзбекистонга қизиқиши ортди, ўзаро манфаатли дўстлик ва ҳамкорлик ўфқлари янада кенгайди.

Уша кезлари Эркин Воҳидовнинг “Она тилимни музаам ва улуг десам, эъзозлаб бошга кўтарсам, бунинг боиси ўзимники бўлгани, жонимга яқинлиги учун эмас. Шунга ишонганим, иймон келтирганим учун, менинг ҳам бир-икки тилдан хабарим бўлиб, қи-ёслаш имкониятларим борлиги учундир”, деган жум-ласи ёдимга тушди.

Сарвар Тўраев, “Янги Ўзбекистон” мухбири

2020 йилнинг кузи. Дунёда пандемия билан боғлиқ вазият тобора кескинлашиб бораётган пайт. БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессияси пандемия сабаб онлайн ўтказилди. Ҳануз миллатимиз қалбини чексиз қувонч ва фахр-ифтихорга тўлдирган воқеа юз берди. Президентимиз БМТ тарихида илк маротаба ўзбек тилида нутқ сўзлади.



21 октябрь — Ўзбек тили байрами кун

ОНА ТИЛИМ ОНАМ КАБИ МЎЪТАБАР



Гулноза Жўраева, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети проректори

Ўшанда давлатимиз раҳбарининг нутқини БМТ за-лида ўтирган барча диққат билан эшитиб, олқишлаган эди. Тасаввур қиляпсизми, биргина нутқ боис, дунёнинг Ўзбекистонга қизиқиши ортди, ўзаро манфаатли дўстлик ва ҳамкорлик ўфқлари янада кенгайди.

Соҳа ислохотлари дебочаси

Аслида, давлат тили нуфузини оширишга доир ишлар БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидан анча аввал жадаллашган эди. Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва маъқени тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони чин маънода соҳани янги босқичга олиб чиқди. Барча жаҳада давлат тилининг соф ҳолда тўлақонли амал қилинишини таъминлаш энг муҳим масалалардан бирига айланган. Шунингдек, фармон билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилгани соҳадagi ислохотларнинг дебочаси бўлди.

Тил халқимизнинг бой тарихини, маданиятини, азалий қадриятлари, анъаналари ва урф-одатларини акс эттиради. Шунинг баробарида илдииз муштарак турли миллат ва эллар билан боғлаб турувчи кўприк вазифини ўтайди. Президентимизнинг 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада

ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳам бу йўлдаги оламшумул ишлардан бири бўлди. Фармонда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳасида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш, қолаверса, таълим ташкилотларида давлат тилини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш ҳамда давлат тилининг софлигини сақлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўз уйимизда бегона тилда гаплашар эдик

Оддий ҳаёт ҳақиқати бор: бугуннинг қадрига етиш учун кечадан хабардор бўлиш лозим. Давлат тили мақоми берилганига ўттиз беш йил тўладиган сана эчкилашгани сари ўзбек тилининг бугунгидек нуфузга эришиши осон кечмаган ҳаёлга келавери. Биз каби катта авлод вакиллари ахши эслайд: кези келса, ўз уйимизда она тилимизни қўйиб, бегона тилда гаплашдик. Идорамизда ҳам ёт тилда тушуниб-тушунмай қорғоз қораладик. Энг ачинарлиси нима, биласизми? Шундай пайтлар бўлдики, ҳатто она тилимиз жозибасини оқиб беришга бағишланган илмий ишларимизни ҳам ўзга тилда ёзишга мажбур бўлдик. Сўнгги йиллардаги ислохотлар эпкинни давлат тили мақоми анча поғона юқори кўтариб, ижодкорлар дилидаги жароҳатларнинг битишига сабаб бўлди.

Давлатимиз раҳбари 2023 йил Ўзбек тили байрами кунини муносабати билан йўлаган табригиде мамлакатимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ўрни ва аҳамиятини ошириш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш масаласини миллий ўзлигимизни англаш, миллат руҳини сақлаб қолиш, ёруғ келажакимизни таъминлашнинг энг муҳим омил деб билишимиз зарурлигини таъкидлади. Мана шундай эзгу мақсад йўлида амалий ҳаракатлар, соҳадagi самарали ислохотлар туфайли жамиятимиз ҳаётида давлат тилининг қўлланиши доираси тобора кенгайиб бормоқда.

Ўзбек ўзлигини буй-баста ила жаҳонга намоен этди

Президентимиз 2023 йил БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессияси миқобида иккинчи бор ўзбек тилида нутқ сўзлади. Бу амалий ҳаракат тилимизнинг қадр-қимматини жаҳон ҳамжамияти олдига баланд кўтариб, халқимиз ва ватанимизга беқиёс меҳр-муҳаббатнинг амалдаги ёрқин ифодаси бўлди. Ўзбек ўзлигини дунёга кўрсатди. Уша онда Алишер Навоий бобомиз тилининг қудрати, ўзига миллионларни оҳанрабодек тортиш ибодини топди. Бу нутқ олдимида яна бир вазифа қўйди: ҳаммиса ва ҳамма жойда она тилимизда равои гапириш, нималарга қодирлигини намоен этиш масъулдир.

Анча йиллардан буюн олий таълим тизимида фаолият юритаётган мутахассис сифатида айтишим мумкинки, ҳеч қачон мамлакатимизда ўзбек тили ва адабиёти йўналишида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш ва илмий тадқиқотлар олиб бериш масаласига бугунгидек

эътибор қаратилмаган. Ҳозир 33 та олийгоҳда ушбу му-тахассислик бўйича кадрлар тайёрланмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2023 йил 22 декабрда Респуб-лика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида сўзлаган нутқиде умумтаълим мактабларида ўзбек тилини ўқитиш самарасини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилишини, она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари ҳам халқаро сер-тификатга эга бўлган бошқа фан ўқитувчиларидан кам бўлмаган миқдорда қўшимча ҳақ билан таъминлани-ши лозимлигини таъкидлаган эди. Шу мақсадда мил-лий сертификатга эга бўлган она тили ва адабиёт фани ўқитувчиларига жорий ўқув йилидан бошлаб 50 фоиз устима тўланади.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети қошидаги Давлат тили ва адабиёти факультети йўлчи бўлиб, бугун вазирлик, идора ва ташкилотлар ходимлари ўзбек адабий тили меъёрлари ва имло қоидалари бўйича мунтазам ўқитил-моқда. Қувонарлиси, олийгоҳда ташкил этилган “Ўзбек мактаби”да юзлаб хоржилик фуқаролар она тилимиз ва миллий маданиятимиз асосларини катта қизиқиш билан ўрганмоқда. “Ўзбек мактаби” фаолиятини кузатиб хурсанд бўламан. Бир вақт она тилимизда гапиришга қўрқар эдик. Мана, бугун уни ўзга миллат вакилла-рига ўргатишимиз. Асосийси, улар бой тилимизга катта қизиқиш билан қарамоқда. Буни ўзбек тилини ўрганиш географияси кенгайганида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, Ўзбек тили АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Швеция, Россия, Украина, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Туркия, Афғонистон, Озарбайжон, Тожикистон, Қозғистон, Туркменистон, Қирғизистон каби давлатларнинг 60 га яқин университет ва 100 дан зиёд мактабда ўрганилмоқда.

Ислохотлар самара бериши учун барчамиз масъулдир

“Этнология” тиллар каталогига 2022 йилда 142 тил оиласига мансуб 7151 тил қайд этилиб, уларнинг фақат 95 таси давлат тили мақомига эга экани қайд этилган. Бу умумий миқдорнинг 1,3 фоизини ташкил қилади. Демак, Ер юзидеги 98,7 фоиз тил ўз ҳудудиде давлат тили мақомига эга эмас. Англаганингидек, мамла-катимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ўрни ва аҳамиятини ошириш ҳамда замон талаблари асосида ривожлантириш масаласига миллат руҳини сақлаб қолиш, ёруғ келажакимизни таъминлашнинг энг муҳим омил деб қарашимиз зарур.

Бу борадаги ислохотлар ўз мевасини бериши учун тил олдимида масъулият фақат тилишуносларнинг эмас, бутун миллатнинг иши эканини тушунишимиз керак. Зеро, Президентимиз БМТ миқобидаги мавзусида таъкидлаганидек, “Давлат тили масаласи миллий ғоя-мизнинг асосий тамойилларидан бири бўлиши зарур. Ёш авлод қалбига она тилимизни болаликдан синдири-риш мақсадида таълимнинг барча босқичларида ўзбек тилини замонавий ва инновацион технологиялар асо-сида мукаммал ўргатишга алоҳида эътибор қарати-шимиз лозим. Токи болаларимиз ўзбек тилида равои ўқийдиган, равои ёздиган ва теран фикрлайдиган ин-сонлар бўлиб етишсин”.

“ОММАВИЙ ДИКТАНТ” АКЦИЯСИ

ЎЗБЕК ТИЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИНИНГ АЖРАЛМАС МУРВАТИ

Мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабалари ўртасида “Оммавий диктант” акцияси ўтказилди. Тадбир Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти, Ўзбек тилини ривожлантириш жағмармаси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Аҳоли, айниқса, ёшлар орасида ёзма саводхонлик маданиятини кенг тарғиб қилиш, давлат тилига ҳур-мат ҳиссини кучайтириш, унинг ижтимоий маъқенини мустаҳкамлаш ҳамда ўзбек тили таълимини такомил-лаштиришга қаратилган ушбу ижтимоий-таълимий акцияда нафақат талабалар, балки илмий саводхонлиги бўйича билиминини синовдан ўтказиш истагидаги кўпгаб юртдошларимиз иштирок этди.

— Бугун тилимиз келажак хусусида бош қотири-шимиз, бой ички имкониятлари, узоқ тарихи ва улкан адабий, маданий мероси хусусида гапириб адо қилол-майдиغان нутқларимиз ҳар қачонгидан зарур, — дей-ди Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази раҳбари Иномжон Азимов. — Айни дамда зиёлилар, тилшунос, адабиётшунос, олим, адиб, таржимонлардан ўзбек тилини кўпроқ, чиройли-роқ, мазмунлироқ қўллаш, давлат тилида ўқини, кўриш-га аризли контент яратиш масъулиятини ҳис этишини сўраб қоламиз. Чунки бу ҳозир муҳим масала бўлиб турибди. Аксар ахши китоблар чет тилларда бўлса, тар-жима қилинмаса, бола келажакда ахборотни қаердан олади деб ўйлаймиз. Компьютер ва мобил телефонлар дастури қисман ўзбекчалаштирилган, дунё тилиларидан она тилимизга таржималар оз, атамалар қониқарли да-ражада ишланмаган, қисқаси, ўзбек мактабларида ўқи-ган болалар учун кейинчалик ривожланиш имконияти

кам деб ҳисоблаймиз. Шу муаммога ечим сифатида Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва мала-ка ошириш маркази ташаббуси билан Tilibil.uz сай-ти яратилди. Ушбу сайт ёзма саводхонлик маданиятини тарғиб қилиш, ўзбек тилига қизиқини янада ошириш, унинг ижтимоий маъқенини мустаҳкамлаш ҳамда ўзбек тили таълимини такомиллаштиришга қаратилган замон-авий платформадир. Исталган пайтда платформада рўйхатдан ўтишингиз ва саҳифадagi ўттиздан ортиқ диктант мавзуларидан бирини танлаб ёзиш орқали саводхонлигингизни текширишингиз мумкин. Кўп-чилик тадбирбозликни ёмон кўради. Унда аризулик ғўя бўлмайди, ҳаммаси кўзбўямачилик учун қилинади деб ўйлайди. Бугун “Оммавий диктант” акцияси ҳисоб-тоб қорғози навбатдаги ҳисси рақамлар билан тўлиши учун эмас, балки омманинг саводхонлигини ошириш, дунёқарашини кенгайтириш учун ўтказилмоқда. Мақ-садимиз — ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини ошириш, миллат фарзандларининг ёзма саводхонлик даражаси, тил меъёрлари, ўзбек тилининг тузулиши бўйича амалий билими, қўнимка ва маҳора-тини тизимли ошириб боришдан иборат.

— Шахсан мен учун савод жуда муҳим. Инсоннинг ёзган тўрт қатор матига қараб, саводи, дунёқарашини, қанча китоб ўқиганини қандай фикрлаши ҳақида би-либ олиш мумкин. Афсуски, ҳозир шу тўрт қаторда

тўртта чоқа чўпди, — дейди Алишер Навоий номи-даги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти универ-ситети 1-курс магистренти Баҳодир Жониев. — Нега шундай деб кўп ўйлайман. Мактабда таълим берилади, хат-савод ўргатилади. Хар ҳолда одам бир матини ўқий оладиган даражага етказилади. Лекин инсон ўша били-минини амалда қўллай олмайди. Фанда бу “функционал саводхонлик” дейилади. Яъни билим бор, малака йўқ, харф танийди, бироқ қўшиб ўқий ва ёза олмайди. Са-баби бизда ўқимаслик оммавий эпидемия даражасига етган. Инсон фақат кўп китоб ўқигандагина саводли бў-лиши мумкин. Кўп ўқиган одам сўзларнинг тўғри ёзи-лишини эслаб қолади ва ёзаётганда ўз-ўзиндан саводсиз ёзиб кетаверилади. Ҳозир ўқини ва ёзишини ўзи ватодис-ликни белгилamayди. Энди саводли одам компьютер, интернет ва турли гаджетлардан фойдалана билиши, хар қандай дори йўриқномасини ўқиб, сўнг истемол қилиши, қўлига тушган чизма, жадрал, диаграммалар-дан ўзига керакли маълумотни ажратиб олиши, асосий-сини, воқеликни танқидий идрок этиш олиши керак. Воқе-ликни танқидий идрок этиш бу ҳамма ҳодисани танқид қилиш, қоралайвериш эмас, балки саралай билишдир.

Тил маданияти ва саводхонлики оммалаштири-шга уринатанларни қўллаб-қувватлаш керак. Ақидидан ташқари кунлар кам платформадан фойдаланишимиз, шу кичик хизматимиз тилимизни ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилишига, она тили миллатни бирлаштирувчи энг кат-та куч эканига ишонилишимиз зарур. Хар даврда майда деб ўйланган ҳаракат улкан аҳамият касб этиб келган. Ақидя ва платформа мурват вазифинини бажаришида ҳамма бир-дек ҳаракат қилса, ўзбек тилини ривожлантириш механиз-ми мукаммал ишлашига шубха йўқ.

Азизбек ЮСУПОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Ўзбекистон ташаббуслари амалда

ХАЛҚАРО МАЙДОНДАГИ ТИНЧЛИК ВА ЭЗГУЛИК ТАРҒИБОТЧИСИ

Бошланиши 1-бетда



Улуғ аждодларимиз бу борада бизга улкан мерос қолдирган. Ундан тўғри ва оқилона фойдаланиш орқали аждодларга муносиб авлодни қамолга етказамиз. Бунинг учун юртимизда зарур пойдевор ташланган. Жумладан, кейинги йилларда улаомларимиз меросини нафақат асраб-авайлаш, балки уларни илмий ўрганиб, халқимиз, дунё аҳлига етказиш учун жиддий ишлар қилинган. Масалан, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари ташкил этилди. Илмий-маърифий жиҳатдан гоёт ноёб бўлган Ислам цивилизацияси маркази фаолияти йўлга қўйилди.

Албатта, бундай далиллари узоқ санаш мумкин. Муддао шуки, энди ушбу марказлар кучи, илмий салоҳиятидан кенг қўламда фойдаланиш фурсати етди. Мазкур конференциядан кўзланган мақсад ҳам шунга қаратилган. Яъни нуфузли халқаро ислом ташкилотлари раҳбарлари, таниқли олим ва улаомлар, жамоат арбоблари, тадқиқотчилари улуғ мақсад йўлида бирлаштириш. Улар орқали жаҳон

илм-фани ва цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимиз меросини кенг тарғиб этиш. Натижада муқаддас ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш.

Мазкур конференция Ер юзиде тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди. Зеро, глобал дунёда ислом динини замон билан уйғун ва ҳамоханг ҳолда ривожлантириш давр талаби. Чунки манфаатлар тўқнашувида маънавий покликни асраш, ғоявий таҳдидларга муносиб жавоб бера олиш осон кечмайди. Ислам эса том маънода эзгулик, инсонпарварлик дини. Конференцияда шу каби масалаларни ўзда қамраб олган муҳим мавзулар муҳокама этилди. Ниходда эса “Ислам — тинчлик ва эзгулик дини” мавзусидаги халқаро конференциянинг якуний декларацияси қабул қилинди.

Янги Ўзбекистон халқаро майдонда эзгулик тарғиботчиси сифатида танилмоқда. Буни ушбу конференцияда иштирок этган ҳурматли меҳмонларимиз ҳам эътироф этди.



Ҳақим Йўлдошев олган суратлар.

Сўз конференция иштирокчиларига



Женгиз ТОМАР,
Ислам ҳамкорлик ташкилотининг Ислам тарихи, санъати ва маданиятини тадқиқ этиш маркази (IRCICA) бош директори ўринбосари:

— Бугун мусулмон Шарқда яна бир Ренессанс бошланмоқда. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийлари бу борада катта меҳнат қилиб, улкан ислохотларни амалга оширмоқда. Биз — туркиялик дўстларингизнинг тилаги шуки, бутун Мовароуннахр диёрида

Учинчи Ренессанс тез фурсатда содир бўлсин.

Ўзбекистон ҳозирга қадар Биринчи ва Иккинчи Ренессансга гувоҳ бўлган табаррук замин. Шу боис, дунёнинг исталган бурчагида ислом ҳақида сўз кетганда, Ўзбекистондан чиққан буюк алломалар — Имом Мотуридий, Имом Насафий, Имом Термизийлар биринчи галда тилга олинади. Бу улканнинг илм-маърифат тарихидати тамал тоши, шубҳасиз, мустаҳкам.

Халқаро анжуман муҳим аҳамиятга эга. Негаки тараққиёт ва илм-фан ривожини учун тинчлик ҳамisha устувордир. Қолаверса, халқларимизнинг ўзлитини англаши, бой тарихий манбаларини ўрганиши, олимларнинг ўзаро мулоқоти борасида айни шундай анжуманларнинг ўрни катта. Аллоҳда қайд этиш керакки, Президент Жаноби Олийларининг илмий-амалий конференция иштирокчиларига йўлаган табриғи анжуманнинг нақадар аҳамиятли эканини билдиради. Шу маънода, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мазкур ташаббусини фақат олқишлаш лозим.

Сайфул АСРИЙ,
Россиядаги Булғор ислом академияси илоҳиёт кафедраси ўқитувчиси, ислом ҳуқуқшунослиги ва замонавий фатволар бўйича мутахассис:

— Юртингизда ўтаётган “Ислам — тинчлик ва эзгулик дини” анжуманининг барча иштирокчиларини тарихий воқеа билан чин дилдан қутлайман.



Олим сифатида ёшларга, ушбу анжумани кузатиб бораётган соғлом фикрли кишиларга айтар сўзим шуки, мутаассиб фикрларга эргашаётганлар билиб қўйсинки, ислом — эзгулик дини. У ҳеч қачон қон тўкишга, зўравонлик қилишга ундамайди. Муқаддас ислом номидан амалга оширилаётган хунрезликларнинг буюртмачилари мўминлардан эмас.

Наурузбай ТАҒАН ўғли,
Қозғистон мусулмонлари диний идораси раиси, бош муфтий:

— Бу муҳташам анжуман нафақат мусулмонлар, балки улар билан диний бағрикенглик тамойиллари асосида умргузаронлик қилаётган барча учун гоёт муҳим ва хайрлидир.

Ислам барча халқларни бирликка, бирдамликка чорлайди. Мусулмонлар орасида тарқалган “Ассалому алайкум” сўзи ҳам “Сизга тинчлик, омонлик тилайман” деганидир. Шу маънода, ислом номи билан боғланаётган хунрезликлар ва ноҳуш ҳодисалар замирида исломга хос бўлган эътиқод йўқ, десак асло янглишмаган бўлаемиз.

Ота-боболаримиз асрлар мобайнида ислом динига эътиқод қилиб келади. Бу эзу дин Марказий Осиёда яшаётган халқларнинг урф-одатларига чуқур сингиб кетган ва бунда ҳеч қандай ғалзиллик кузатилмайди. Бунга сабаб эса соф ислом ақидасини, унинг маърифатини, инсонпарварлигини эзу ғояларини ботил ақидалардан орифлик билан ажратиб бера олган улаомларнинг айнан Марказий Осиёдан кўплаб етишиб чиққанидир. Бу эзу таълимотдан узоқлашган сари фитналар кўпайгани бор гап. Шу боис, ота-боболаримизнинг тўғри эътиқод борасидаги тавсиялари ва илмий меросига суянишимиз шарт.

Бугун ахборот глобаллашуви туфайли ботил ғоялар билан чалғиётган ёшлар кам эмас. Уларга эътиқод нуқтани назардан тўғри маълумот бериш, ёшларни ботил ақидалардан

Ислам маърифатини, унинг инсонпарварлик ғояларини, бағрикенглик борасидаги тавсияларини ўрганишчи бўлганлар бугунчи тоифаларининг етакчиларига эмас, соф тафсирга, Расулимиз саллолуху алайҳи васаломнинг суннатларига таянган ҳолда сабоқ бераётган, бирор юртда фитнага ёки ихтилофларга сабаб бўлмаган хур фикрли олимларимизнинг фикрларига эътибор қаратсин. Чунки мутаассиб фикрларга қўшилишини оқибати яхшилик билан тугамайди. Ким динда чуқур кетса, у адашади.

Аллоҳ таоло Ўзининг қалами Қуръоннинг “Қурайш” сурасида қурайш қабиласига тинчлик, омонлик бергани ва ислом динининг муҳаббатта ва саломатликка чорлаши ҳақида хабар берган.

Ислам номидан интернет орқали тарқатилётган фитналардан ўз юртингиз улаомларининг фатволарига таянган, оқилона панд-насихатларидан баҳраманд бўлган ҳолда омонда бўласиз. Бугунги анжуманда ҳам, бундан кейин ҳам соғлом фикрли ислом улаомлари интернетдаги мутаассибларнинг фикрлари хато ва асоссиз эканини бот-бот тақоррайди.

Жаҳондаги бир қанча мамлакатларни катта ташвишга солаётган бу фитналарга куч билан эмас, маърифий ёндашув билан ечим топишни тақриф этган Ўзбекистон Президентининг барча қақриқларини биз, олимлар бир овоздан қўллаб-қувватлаймиз. Бир сўз билан айтганда, бу қақриқ нафақат ислом уммати, балки бутун башариёт учун нажот садосидир.



Ўз вақтида огоҳ қилиб бориш, биз, улаомларнинг вазифасидир. Аллоҳ таоло ўз каломида “Агар билмайдиган бўлсангиз, зикр ахларидан сўрангиз”, деб марҳамат қилади. Аллоҳга шукрки, Ўрта Осиё халқи ислом оламига танилган алломалари билан фахрланади. Муқаддас каломдаги “билганлар” ҳам аслида шулар.

Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Аҳмад Яссавий, Синоқий каби алломалар ҳақни ботилдан ажратган, умматга тўғри йўлни ва ислом маърифатини кўрсатиб берган зотлар эди. Мана шундай аждодларимизнинг мўътадил йўли эса ёшларни радикал ғоялардан асрашда жуда муҳим. Бугунги анжуман айнан шу ҳақиқатни англаштига хизмат қилмоқда.

Аҳмад ол ҚОСИМИЙ,
“НЕДАЯАН” зўравон экстремизмга қарши кураш бўйича халқаро маркази ижрочи директори:

— Марказимиз номидан ушбу муҳим анжуман учун самимий миннатдорлигимизни билдираемиз.

Бугунги таҳликали даврда динни нотўғри талқин қилиш оқибатида кўплаб зиддиятлар келиб чиқаётгани, ҳатто хунрезликлар содир бўлаётгани ачинарли, албатта. Ислам номидан иш тутаётган бузғунчи тоифалар учун диний эътиқодни тўла шаклланмаган, эътиқод борасида янглишган ёшлар тэйёр ўлжа еки дастёр вазифасини ўтаётди. Айнан шундай манфур кишилар исломнинг асл инсонпарварлик моҳиятини англаб етмаган ёшларни экстремистик гуруҳларга жалб қилмоқда. Бу офатдан зарар кўрмаган бирорта миллат ер юзиде топилмас керак.

Шахсан мен бунинг сабабини илмсизлик ва динни тўғри англамасликда деб биламан.

Назир МУҲАММАД АЙЁД,
Миср Араб Республикаси бош муфтийси:

— Мазкур конференция тинчлик ва эзгулик йўлидаги муҳим анжуманлардан бири бўлди. Бу юртда неча асрлардан бери ислом дини равнақига ҳисса қўшган буюк алломалар Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Доримий, Имом Мотуридий каби зотлар етишиб чиққан. Улар ислом оламида ерқин из қолдирган сиймолардир. Қолдирган илмий мерослари эса ислом ҳақиқатини ифодалаган. Конференциянинг улаомлар юртида ўтказилишида ҳам чуқур маъно бор. Ислам динининг тинчлик ва осойишталикни, бағрикенгликни тарғиб қилишида ушбу етуқ улаомлар алоҳида ўрин тутади.

Миср ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама алоқалар қадим тарихга бориб тақалади. Бугун бу давлатлар ўртасидаги муносабатларга уруғ берадиган бўлсак, у мустаҳкам асосларга барпо этилганини кўраемиз. Бу борада бир қанча йўналишларга эътибор қаратмоғимиз мумкин бўлади. Хусусан, Миср биринчилардан бўлиб Ўзбекистон мустақиллигини эътироф этиб, элчиликларини бу юртда очишга шошилгани ва 1994 йилда эса Миср заминиде Ўзбекистон элчихонаси очилганини қайд этиш даркор.

Кейинги йилларда ушбу икки давлат ўртасидаги илмий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар ривожланганини икки давлат раҳбарларининг ташрифлари орқали билишимиз мумкин. 2018 йилда Миср Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сиси жаноблари Ўзбекистонга ташриф буюрди, 2023 йилда



Ёшларни бундай таҳдидлардан ҳимоя қилишининг бир қанча йўллари мавжуд ва уларнинг аввалида, айтганимдек, илм ётади. Ўзбекистон каби буюк алломаларга бешик бўлган муқаддас юртда бўлиб ўтаётган ушбу анжуман улкан ҳақиқат эшигига йўловчи, ботил йўлдан қайтарувчи чин ислом маърифатини англашнинг саодатини тушуниб олишга хизмат қилади.

Шу маънода, ушбу анжумани эзгулик анжумани деб атагим келади.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноблари Мисрга борди. Шубҳасиз, бу ташрифлар икки томонлама дўстлик алоқалари ривожиде муҳим аҳамият касб этди.

Мен тўхталиб ўтмоқчи бўлган яна бир жиҳат Ўзбекистонда кенг тарқалиб, сомадён бўла бошлаган диний-маърифий ҳақида ислом эътиқодларидир. Бу ислохотлар, илмий-интеллектуал характер Президент юритаётган сиёсатда очик-ойдин ўз ифодасини топган. Бу эса ислом цивилизацияси меросини қадрлаш, илм-фан ва улаомларга эҳтиром кўрсатиш орқали янада қадрланиб боради.

Бир сўз билан айтганда, мазкур анжуманга ташриф ўлароқ, Ўзбекистон Президенти бу табаррук заминда маънавий-маърифий, диний ва ижтимоий ислохотларни амалга ошириши, ислом меросини бойитиши, улаомларига юксак эҳтиром кўрсатишининг гувоҳи бўлдик.



Қамолдин МАРЖУНИЙ,
Султон Шариф Али ислом университети профессори (Бруней султонилиги):

— Тарихан ислом цивилизацияси маркази бўлиб келган Ўзбекистон заминиде ўтказилган “Ислам — тинчлик ва эзгулик дини” мавзусидаги халқаро конференцияни турли таҳдидлар кучайиб бораётган бугунги шароитда гоёт долзарб ва аҳамиятли ҳисоблайман.

Дин ҳақидаги ноҳолис ва хато тушунчаларни, айниқса, экстремистик ва радикал ғояларни бартараф этиш, ёшлар онгига салбий таъсирнинг олдини олишда олимлар, тарғиботчилар ва соҳа мутахассисларининг ўрни катта. Улар ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериши, ёт ғояларга илмий асосланган раддия тэйёрлаши, соғлом ва мўътадил қарашларни кенг ёйиши зарур.

Бугунги глобаллашган жамиятда ёшларга катта эътибор қаратиш лозим. Уларнинг билими ва дунёқарашини доимий ошириб



бориш, танқидий фикрлаш кўникмасини юксалтириш зарур деб ҳисоблайман. Ушбу конференция қайд этилган долзарб муаммоларнинг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқишда муҳим платформа вазифасини бажаришига ишонаман.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти) ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказиде саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридеги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма — 3628.

41218 нусхадә босилди.

Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

“Колограк” МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манлиси: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусаҳҳис: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

